



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 23 » avgust

№ 537

Toshkent sh.

### Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорлариغا ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор тамойиллариغا асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”  
2021 йил 11 мартағи ПФ-6186-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор тамойиллариغا асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 11 мартағи ПФ-6186-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айrim қарорлариغا ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргалиқда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига етказилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлар ва идоралар билан биргалиқда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари А.Ж. Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринbosари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “23” августдаги 537-сон қарорига  
илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 619-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига турар жой сотиб олиш (куриш) учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ҳамда якка тартибда уй-жой куриш учун ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4 ва 5-бандлари қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“4. Турар жой сотиб олиш (куриш) учун ҳарбий хизматчилар томонидан ипотека кредити олиннишида уй-жойнинг ҳисобланган қийматининг 25 фоизи миқдоридаги дастлабки бадал тегишли идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва тегишли идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига киритилади.

Бунда сотиб олинадиган турар жойнинг шартномадаги қиймати уй-жойнинг ҳисобланган қийматидан кам бўлган тақдирда, дастлабки бадал шартномада кўрсатилган қийматнинг 25 фоизи миқдорида ажратилади.

**5.** Дастлабки бадал миқдори сотиб олинаётган (курилаётган) уй-жойнинг ҳисобланган қийматининг 25 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Сотиб олинаётган (курилаётган) турар жой учун дастлабки бадал миқдори лойиҳа-смета хужжатлари белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилиши натижалари бўйича унинг қийматидан келиб чиқиб аниқланади.

Бунда сотиб олинаётган (курилаётган) турар жой қиймати ипотека кредити бўйича дастлабки бадал тўланаётган санада белгиланган уй-жойнинг ҳисобланган қийматидан ортиқ бўлмаслиги керак, қонунчилик хужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно”;

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 25 мартағи 182-сон қарорида:

а) қарор номи қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни куриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”;

б) 1-банддан “(ёки)” сўзи чиқариб ташлансин;

в) 2-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“2. Кўйидагиларни назарда тутувчи Уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни куриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансан:

уй-жой сотиб олишга ипотека кредитининг бошланғич бадали ва фоизларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш;

якка тартибдаги уй-жойларга ажратилган ипотека кредитлари бўйича фоизларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш;

уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқаролар томонидан субсидия олиш учун ариза бериш, ариза берувчини ижтимоий мезонлар бўйича баҳолаш;

туман (шахар)да уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун субсидия тўланадиган талабгорларни танлаш бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш ва ижтимоий мезонлар бўйича баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;

сотиб олинадиган ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш уй-жойларни аниқлаш, ажратиладиган ипотека кредити бўйича субсидияни ҳисоблаш, ипотека кредитини расмийлаштириш ва субсидияларни тўлаб бериш тартиби.”;

г) 3<sup>1</sup>-банднинг иккинчи хатбошисидаги “2021 йил 1 июлга” сўzlари “2021 йил 1 декабрга” сўzlари билан алмаштирилсин;

д) куйидаги мазмундаги 3<sup>2</sup>-банд қўшилсин:

“3<sup>2</sup>. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 11 мартағи ПФ-6186-сон Фармони қабул қилингунинг қадар субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномаларни олган шахсларга ипотека кредитлари ва субсидиялар ажратишида 2020 йилда амалда бўлган шартлар ва микдорлар сақлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартағи ПФ-6186-сон Фармони қабул қилинганидан сўнг субсидия олиш учун мурожаат қилган ариза берувчининг даромадларига у билан бирга яшамаётган яқин қариндошларининг даромадлари ҳам киритилиб ҳисобланадиганлиги маълумот учун қабул қилинсин”;

е) 4-банднинг биринчи хатбошисидаги, 5 ва 7-бандлардаги “Иқтисодиёт ва саноат” сўzlари “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни кисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин;

ж) 9-банддаги “иқтисодиёт ва саноат” сўzlари “иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни кисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин;

з) илова куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**“Уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1. Ушбу Низом:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармони асосида жорий этилган бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби (кейинги ўринларда – янги тартиб) доирасида кўп квартирали уй-жойлардаги квартиralарни сотиб олиш учун ипотека кредити бўйича бошланғич бадал ва фоизларнинг бир қисмини;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор тамойиллариға асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 11 мартағи ПФ-6186-сон Фармони асосида якка тартибдаги уй-жойларга ажратилган ипотека кредитлари бўйича фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (кейинги ўринларда – Давлат бюджети) маблағлари ҳисобига субсидия тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини (кейинги ўринларда – фуқаролар), шу жумладан, даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни аниклаш мезонлари, субсидияларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

**2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:**

**ариза берувчи** – ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадал ва фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия олиш мақсадида ариза билан мурожаат қилувчи 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

**баллар** – уй-жойга муҳтож фуқароларни аниклаш ва уларнинг ижтимоий устуворлигини белгилаш учун фойдаланиладиган ижтимоий мезонлар бўйича баҳолар тўплами;

**бошланғич бадал** – Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар шаҳарлари ва Тошкент шаҳрида (кейинги ўринларда – шаҳарлар) ва туман маъмурий марказларига туташ худудларда (кейинги ўринларда – қишлоқ жойлар) бирламчи уй-жой бозорида сотиб олинадиган квартира қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағ;

**даромади юқори бўлмаган оила** – қонун хужжатларига мувофиқ аникланиши мумкин бўлган ўртacha ойлик даромадлар миқдори:

қишлоқ жойларда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг (кейинги ўринларда – МХТЭКМ) 3,0 бараваридан 6,9 бараваригача;

Коракалпогистон Республикаси ва вилоятлар шаҳарларида белгиланган МХТЭКМнинг 3,0 бараваридан 8,0 бараваригача;

Тошкент шаҳрида белгиланган МХТЭКМнинг 3,0 бараваридан 9,2 бараваригача бўлган оиласлар;

**ижтимоий мезонлар** – уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларни аниклашда қўлланиладиган ушбу Низомга 1-иловада келтирилган асосий кўрсаткичлар;

**иштирок этувчи тижорат банклари** – фуқаролар томонидан бирламчи бозорда танланган уй-жойларни сотиб олишга ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилишга ипотека кредитини тақдим этувчи тижорат банклари;

**комиссия** – тегишли туман (шаҳар) ҳокими қарори билан тасдиқланган туман (шаҳар)да субсидия тўланадиган фуқароларни танлаб олиш бўйича ушбу Низомга З-иловага мувофиқ намунавий таркибда шакллантириладиган комиссия;

**субсидия** – ипотека кредитлари асосида:

квартира сотиб олиш учун бошланғич бадал ва кредит фоизининг бир қисмини;

якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун кредит фоизининг бир қисмини қоплаш мақсадида Давлат бюджетидан фуқаро учун банкда унинг номига очилган тегишли ҳисобварағига ўтказилган маблағ;

**бошланғич бадал учун субсидия** – талабгорга шаҳарларда ва қишлоқ жойларда қурилган квартираны сотиб олишда ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилишда ипотека кредити фоизининг бир қисмини қоплаш учун уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизи микдорида Давлат бюджетидан талабгор номига банкда очилган тегишли ҳисобварағига ўтказилган маблағ;

**фоиз учун субсидия** – талабгорга шаҳарларда ва қишлоқ жойларда қурилган квартираны сотиб олишда ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилишда ипотека кредити фоизининг бир қисмини қоплаш учун Давлат бюджетидан талабгорнинг банкда очилган тегишли ҳисобварағига биринчи 5 йил давомида ўтказиладиган маблағ;

**талабгор** – ипотека кредитлари бўйича субсидия бериш тўғрисида ижобий хабарномани олган ариза берувчи;

**уй-жой** – пудрат ташкилотлари томонидан ўз маблағлари, банк кредити ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қурилган бирламчи уй-жой бозоридаги квартиralар ҳамда фуқаро билан тузилган шартнома доирасида унга умрбод эгалик қилиш хуқуки асосида ажратилган ер участкасида қурилган (реконструкция қилинган) якка тартибдаги уй-жойлар;

**уй-жойнинг ҳисобланган қиймати** – ҳар йили келгуси йил учун бирламчи бозордаги уй-жойларни сотиб олишга ажратилиши мумкин бўлган ипотека кредитлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплашга ажратиладиган субсидиянинг юқори микдорларини белгилаш мақсадида квартира хоналари сонидан қатъи назар унинг бир квадрат метрининг тегишли ҳудуддаги ўртача бозор қиймати ҳамда майдонининг энг кўп меъридан келиб чиқиб аниқланадиган қиймат;

**хабарнома** – туман (шаҳар) Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ариза берувчига юбориладиган ушбу Низомга 2 ва 2а-иловаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидия бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида комиссиянинг QR-кодга эга бўлган қарори.

3. Ушбу Низом доирасида ахолига ипотека кредитлари бозор шартлари асосида белгиланадиган фоиз ставкаларида:

шаҳарлар ва қишлоқ жойларда бирламчи бозордаги квартиralарни сотиб олиш;

якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун ажратилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Курилиш вазирлиги ҳар йили келгуси йил учун квартира хоналари сонидан қатъи назар унинг бир квадрат метрининг тегишли ҳудуддаги ўртача бозор қиймати ҳамда майдонининг энг кўп меъридан келиб чиқиб уй-жойнинг ҳисобланган қийматини аниқлади.

Уй-жойнинг ҳисобланган қиймати куйидаги мақсадларда қўлланилади:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига ажратилган маблағлар ҳисобидан бирламчи бозордаги уй-жойларни сотиб олишга ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилишга ажратилиши мумкин бўлган ипотека кредитларининг;

шаҳарларда ва қишлоқ жойларда талабгорлар учун Давлат бюджетидан бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплашга ажратиладиган субсидиянинг юқори миқдорларини белгилаш.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари шаҳар ва қишлоқ жойларда белгиланган тартибда тасдиқланган субсидиялар тўлашнинг мақсадли параметрларидан келиб чиқиб субсидияларни туман (шаҳар)лар бўйича қурилган уй-жойлар сонига мутаносиб равишда тақсимлаш ва зарур ҳолларда қайта тақсимлаш бўйича қарор қабул қиласди.

Субсидиялар субсидия тўлашнинг мақсадли параметрларида белгиланган ҳудуддаги қурилган уй-жойлар учун йўналтирилади.

Шунингдек, субсидия фуқароларга рўйхатга олинган доимий яшаш жойи бўлган ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар) доирасида ажратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар шаҳарларига ажратилган субсидиялар ушбу ҳудуддаги аҳоли томонидан белгиланган тақсимот доирасида туман ва/ёки шаҳардан олиши мумкин, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларининг субсидияларни тақсимлаш бўйича қарорларида шаҳар ва қишлоқ жойларда қуриладиган ва реконструкция қилинадиган якка тартибдаги уй-жойлар сони ҳам инобатга олинади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий таракқиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Курилиш вазирлиги туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда шаҳар ва қишлоқ жойларда қурилиши режалаштирилаётган уй-жойлар сони, субсидия тўланадиган фуқароларни танлаб олиш мезонлари, субсидия сони ва умумий ҳажми ҳамда бериш тартиби ва шартларини кўрсатган ҳолда интернет тармоқлари ва оммавий ахборот воситалари орқали белгиланган муддатда эълон беради.

7. Ариза берувчи тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар асосида ижтимоий мезонларга мос келишини аниқлаш ва баҳолаш куйидаги масъул ташкилотларнинг туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда – масъул ташкилотлар) томонидан амалга оширилади:

тиббиёт бирлашмаси;  
ички ишлар бўлими (бошқармаси);  
молия бўлими;  
давлат солиқ инспекцияси;  
аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази;  
ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси;  
туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш бўлимлари;  
ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлими;  
туман (шаҳар) ҳокимлиги;  
иштирок этувчи тижорат банклари.

8. Уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

## 2-боб. Субсидия олиш учун ариза бериш тартиби

9. Шаҳар ва қишлоқ жойларда курилган бирламчи бозордаги квартиralарни сотиб олишга ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуиши ва реконструкция қилишга ажратилган ипотека кредитлари бўйича субсидия тўланадиган талабгорларни танлаш комиссия ва масъул ташкилотлар томонидан қонунийлик, шаффофлик, адолат ва ҳаққонийлик тамоийллари асосида амалга оширилади.

10. Ариза берувчи ипотека кредитлари бўйича субсидия олиш учун исталган туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП)да давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади.

Ўзи келиб мурожаат этганда Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса ариза берувчи мустақил равишида ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ давлат хизматидан фойдаланиш учун анкета-аризани электрон тарзда тўлдиради ва куйидаги хужжатларни электрон тарзда илова қиласи ёки маълумотларни тақдим этади:

- а) жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами маълумотлари;
- б) оила аъзоларининг (жисмоний шахснинг) шахсий идентификация рақами маълумотлари ва никоҳ қайд этилганлиги гувоҳномаси (тўлиқ оила ва никоҳ ҳамда вояга етган фарзандлар мавжуд бўлган тақдирда) ва (ёки) фарзандлар туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар (вояга етмаган фарзандлар бор бўлган тақдирда) нусхалари;
- в) белгиланган тартибда никоҳ бекор қилинганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб тан олинганлиги тўғрисида суд қарори (никоҳ қайд этилган ҳолатда) ёки оиласи ҳолати тўғрисида фукаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари архивидан маълумотнома нусхаси (никоҳ қайд этилмаган ҳолатда);
- г) доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидан кадастр рақами ва турига тегишли маълумотлар (агар турар жойи доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойи билан тўғри келса);
- д) доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидан уй дафтарининг ёки квартиралар бўйича карточканинг (17-шакл) нусхаси (агар турар жойи доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойи билан тўғри келса);
- е) ариза берувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг даромади ва ушлаб қолинган даромад солиқлари тўғрисидаги маълумотнома (кўшимча даромадлар бўлса солиқ декларацияси).

Ариза берувчидан ушбу бандда кўрсатилмаган маълумот ва хужжатларни талаб қилиш қатъян тақиқланади.

Бунда субсидия олиш учун мурожаат қилган ариза берувчидан “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали олиш мумкин бўлган хужжатларни (маълумотларни) талаб қилиш ман этилади.

Мехнат мигрантлари номидан ипотека кредитлари бўйича субсидия олиш тўғрисидаги аризани унинг оила аъзолари бериши мумкин.

Давлат хизматлари маркази ва ЯИДХП орқали кўрсатиладиган хизматлар ариза берувчиларга тўловларсиз амалга оширилади.

11. Ариза берувчи томонидан ипотека кредитлари бўйича субсидия олиш учун ариза йил давомида топширилиши мумкин.

12. Ариза берувчи туман (шаҳар) Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали тақдим этиладиган ҳужжатлар ва уларда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун жавоб беради.

13. ЯИДХП орқали мурожаат этилган тақдирда, ариза берувчи анкета-аризага асосан зарур бўлган маълумотларни ўзи киритади.

### **3-боб. Масъул ташкилотлар томонидан ариза берувчини ижтимоий мезонлар бўйича баҳолаш тартиби**

14. Давлат хизматлари марказлари сўровнома тўлдирилган вактдан бошлаб бир соат мобайнида уни ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган масъул ташкилотларга электрон тарзда юборади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда сўровнома автоматик тарзда ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган масъул ташкилотларга юборилади.

Ариза берувчининг аризаси у рўйхатга олинган доимий яшаш жойидаги туман ёки шаҳар комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

15. Давлат хизматлари марказлари, комиссия ҳамда масъул ташкилотлар ўртасида ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда – ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

Масъул ташкилотлар ўн иш кунида ариза берувчининг ижтимоий мезонларга мувофиқлигини, тақдим этилган ҳужжатлар асосида, ташкилотларда мавжуд маълумотлар базаси билан солиштирган ҳолда ўрганиб чиқади ва ЯИДХПда онлайн электрон шаклда куйидаги маълумотларни:

**тиббиёт бирлашмаси** – ариза берувчи ва унинг оила аъзолари орасида сурункали касалликнинг оғир турларидан азоб чекувчи ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ алоҳида хонада яшашга муҳтоҷ бўлган шахслар, биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг, ёлғиз ўзи оғир ногиронликка олиб келувчи касаллика чалинган болани парваришилаётган аёлларнинг мавжудлигини;

**ички ишлар бўлими (бошқарма)** – ариза берувчининг бошқа оиласида билан бир уйда (бир квартирада) яшашини;

**молия бўлими** – тақдим этиладиган субсидияларнинг миқдори бўйича ажратилган маблағларнинг мавжудлигини;

**давлат солиқ инспекцияси** – солиқ тўловчининг идентификация рақами, тураг жойда ижара шартлари асосида яшashi ҳамда ариза берувчи ва ушбу Низомнинг 16-бандида келтирилган шахсларнинг (аризада кўрсатилган ҳолатларда) даромадларини;

**аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази** – ариза берувчининг кам таъминланганлиги, “Мехнат – миграция” дастурида рўйхатдан ўтганлиги ҳамда хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётганлигини (оширганлигини);

**туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси** – ариза берувчида, шу жумладан, унинг турмуш ўртоғи ва фарзандларида мулк хуқуқи билан тураг жойнинг бор-йўқлиги, яшаш учун яроқсиз тураг жойда яшами, уй-жой умумий майдонининг бир шахс учун қонун хужжатларида назарда тутилган ижтимоий нормага мувофиқ эмаслигини;

**туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари** – ариза берувчининг оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашган муҳтож оналар тоифасига мансублигини;

**ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлими** – ариза берувчининг алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оиласар тоифасига мансублигини;

**туман (шаҳар) ҳокимлиги** – ариза берувчининг етим болалар ва ота-онасининг қарамогидан маҳрум бўлган болалар тоифасига мансублигини;

**иштирок этувчи тижорат банклари** – ариза берувчи фукаро (биргалиқда қарз оловчи)нинг ажратиладиган ипотека кредити бўйича тўлов қобилияти, унга ажратилиши мумкин бўлган ипотека кредити ва сотиб олиши мумкин бўлган уй-жойнинг юкори қиймати, кредит ташкилотларидан аввалги олинган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг мавжуд эмаслигини тасдиқлади.

16. Агар ариза берувчининг ўртача ойлик даромадлари миқдори ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган меъёрлардан кам бўлса, унинг даромадлари ҳисоб-китобига хотини (эри), улар билан бир уйда биргалиқда яшовчи ота-онаси ҳамда фарзандларининг (шу жумладан, асрар олинган фарзандлари) ёки у билан бирга яшамаётган яқин қариндошларининг даромадлари ҳам киритилиши мумкин.

Бунда ариза берувчининг ўртача ойлик даромадлари миқдорига яқин қариндошларининг ўртача ойлик даромадлари миқдори кўшилганда ва даромадлар миқдори ушбу Низомга 1-иловада кўрсатилган меъёрлардан ошиб кетган тақдирда, унинг фақат етмаган қисми инобатга олинади.

Яқин қариндошлар деганда ариза берувчининг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-укалари ва опа-сингиллари, эри (хотини), фарзандлари, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, боболари, бувилари, неваралари, эр - хотиннинг ота-онаси тушунилади.

17. ЯИДХПда масъул ташкилотлар ўрганиб чиқиши натижаларига кўра киритилган маълумотлар асосида ариза берувчининг ижтимоий мезонларга мувофиқлиги автоматлаштирилган тарзда баллар кўринишида баҳоланади.

18. ЯИДХПда масъул ташкилотларнинг баҳолаш натижалари комиссияга ариза берувчи иштирокида муҳокама этиш учун юборилади.

#### **4-боб. Комиссия фаолиятини ташкил этиш**

19. Комиссия аъзолари жамоатчилик асосида ишлайдилар.

20. Комиссия унинг ваколатларига тегишли масалаларни комиссия раиси бошчилигига ўтказиладиган йиғилишларда кўриб чиқади.

21. омиссия раиси:

комиссиянинг умумий фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг иш режаси бажарилиши юзасидан доимий назоратни амалга оширади;

комиссиянинг йиғилишларини чақиради ва уларда раислик қилади;

комиссия ваколатига тегишли бўлган масалаларни унинг йиғилишида кўриб чиқиш учун киритади;

комиссия қарорларини тасдиқлади.

22. Комиссия котиби:

комиссия раисининг топширикларига асосан комиссия аъзоларини комиссия йиғилишининг ўтказиладиган жойи, вақти ва санаси тўғрисида хабардор қилади;

комиссия иш режаларини тайёрлайди;

комиссия баённомаларини юритади ва тасдиқланган баённомаларни комиссия аъзоларига юборади;

комиссия далолатномалари ва хulosаларини манзилларга етказади;

комиссия иш юритувини амалга оширади.

23. Комиссиянинг барча йиғилишлари баённома билан расмийлаштирилади ва қарор шаклида қабул қилинади.

24. Комиссия ишининг ташкилий шакли йиғилиш ҳисобланади. Комиссия мажлислари комиссия аъзолари рўйхатдаги таркибининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда ўтказилади. Бунда туман (шаҳар) молия, солиқ идораларининг ва иштирок этувчи тижорат банкларининг вакиллари бир вақтнинг ўзида комиссия йиғилишида иштирок этиши шарт.

25. Кворум бўлмаган ҳамда туман (шаҳар) молия, солиқ органларининг ва иштирок этувчи тижорат банкларининг вакилларидан бири комиссия йиғилишида қатнашмаган тақдирда, комиссиянинг мажлисга келган аъзолари томонидан мажлисни кечикириш тўғрисида қарор қабул қилинади, мажлисни ўтказишнинг янги санаси ва вақти тўғрисида қўшимча равишда комиссия котиби томонидан хабар қилинади.

26. Комиссия йиғилишларида иштирок этаётган аъзоларининг учдан икки қисми ёқлаб овоз берган комиссия қарорлари қабул қилинган ҳисобланади ва ушбу йиғилишларда қабул қилинган қарорлар йиғилиш котиби томонидан баённома билан расмийлаштирилади.

27. Комиссия қарорлари комиссия раиси томонидан имзоланади.

28. Комиссия хужжатлари туман (шаҳар) иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимларида белгиланган муддатгача сақланади.

29. Комиссия ўзининг иш регламентини тасдиқлади.

30. Комиссия котиби ариза берувчини унинг аризаси комиссия йиғилишда кўриб чиқилишидан 5 кун олдин таклиф этади ва қатнашишини таъминлайди.

31. Ариза берувчи узрли сабабларга кўра (мехнатга лаёқатсизлик, сафарда бўлганлиги, яқин қариндошининг вафоти ва бошқалар) комиссия йиғилишида қатнашиш имконига эга бўлмаса, ариза берувчи бу ҳакида комиссия котибини хабардор қилиб сабабини кўрсатиши шарт. Бунда ариза берувчининг аризаси комиссиянинг кейинги йиғилишида кўриб чиқилади.

32. Ариза берувчи узрли сабабларсиз комиссия йиғилишига келмаганда комиссия аризани унинг иштирокисиз ариза берувчи ҳамда масъул ташкилотлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида кўриб чиқади ва комиссия қарорини ариза берувчига билдиради.

### **5-боб. Комиссия томонидан баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш тартиби**

33. Комиссия аризаларни навбат асосида уларнинг қайд этилиши кетма-кетлигига мувофиқ кўриб чиқади.

Комиссия йиғилишлари, уларнинг ошкоралиги ва холислигини таъминлаш мақсадида зарур ҳолларда узлуксиз видеотасвирга (овозли) туширилади ҳамда туман (шаҳар) иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимида уч йил мобайнида сакланади.

34. Комиссия талабгорларни аниқлаш бўйича тақдим этилган ҳужжатларни, масъул ташкилотларнинг баҳолаш натижаларини олган кундан бошлаб 7 иш куни ичида уларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади.

Комиссия тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар асосида ҳамда ижтимоий мезонлар бўйича баҳолаш натижаларига кўра ариза берувчига ипотека кредитлари бўйича субсидия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул киласди.

Субсидия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида комиссия электрон реестрини юритади.

Бунда комиссиянинг ипотека кредити бўйича субсидия бериш тўғрисидаги қарорида сотиб олиниши мумкин бўлган квартиранинг юқори қиймати уй-жойларнинг ҳисобланган қиймати ва иштирок этувчи тижорат банки томонидан белгиланган уй-жойнинг юқори қийматидан ошиб кетиши мумкин эмас.

35. Кўриб чиқиш яқунлари бўйича комиссия йиғилишининг баённомаси расмийлаштирилиб, субсидия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида комиссиянинг QR-код (матрик штрихли код) кўйилган қарори қабул қилинади ва тегишли туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказига хабарнома юборилади. Ушбу хабарнома Давлат хизматлари маркази томонидан бир иш кунида ариза берувчига юборилади.

ЯИДХП орқали электрон тарзда мурожаат этилганда комиссия томонидан субсидия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги хабарнома электрон шаклда ариза берувчига юборилади.

36. Ижтимоий мезонлар асосида баҳоланган ариза берувчи 30 ва ундан юқори балл тўплаган тақдирда, талабгор сифатида тан олиниб, квартира сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун ипотека кредити бўйича субсидия олишга ҳакли деб ҳисобланади.

Бунда комиссия ушбу Низомнинг 38-бандига мувофиқ иштирок этувчи банк томонидан ариза берувчи ажратиладиган ипотека кредити бўйича тўловга лаёқатсиз деб топилган тақдирда, мазкур ариза берувчи фуқаро талабгор сифатида тан олмаслиги зарур.

37. Субсидия бериш түғрисидаги хабарномада талабгор (биргалиқда қарз олувчи)нинг реал даромадларидан келиб чиқиб қоплаб берилиши мумкин бўлган субсидия бўйича сотиб олиниши мумкин бўлган квартира ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун ажратиладиган ипотека кредитининг юқори қиймати кўрсатилади.

38. Куйидаги ҳолларда ариза берувчига субсидия тўланиши рад этилиши мумкин:

- а) ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;
- б) тақдим этилган хужжатлардаги маълумотлар ижтимоий мезонларга мос келмаганда;
- в) тақдим этилган хужжатларда нотўғри ёки сохта маълумотлар мавжуд бўлганда;
- г) ариза ва тегишли хужжатлар қабул қилишнинг охирги санаси тугагандан кейин тақдим этилганда;
- д) масъул ташкилотлар хulosаларига асосан жами 30 дан паст балл тўплаганда;
- е) илгари шаҳар ва қишлоқ жойларда арzon уй-жой қуриш дастурлари доирасида имтиёзли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартира ёки якка тартибдаги уй-жой ҳамда субсидиялар олган оила аъзолари (эри, хотини) тақрорий мурожаат этганда;
- ж) жорий йил учун ажратиладиган субсидиялар сони тугаганда;
- з) иштирок этувчи банк томонидан ариза берувчи фукаро (биргалиқда қарз олувчи) ажратиладиган ипотека кредити бўйича тўловга лаёқатсиз деб топилганда;
- и) ариза берувчида кредит ташкилотларидан олдинги олинган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлганда;
- к) оиласарнинг ўртача ойлик даромади:
  - қишлоқ жойларда – МХТЭКМнинг 3,0 бараваридан кам ва 6,9 бараваридан юқори;
  - шаҳарларда – МХТЭКМнинг 3,0 бараваридан кам ва 8,0 бараваридан юқори;
  - Тошкент шаҳрида – МХТЭКМнинг 3,0 баравардан кам ва 9,2 бараваридан юқори бўлганда.

39. Ушбу Низомнинг 38-бандида кўрсатилмаган бошқа асослар бўйича субсидия тўланиши рад этилишига йўл қўйилмайди.

Субсидия тўлашни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, комиссия рад этиш сабабларини, қонун хужжатларининг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда QR-код қўйилган қарорни расмийлаштиради ҳамда тегишли хабарномани тегишли туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат этганда) ЯИДХП орқали электрон равишда юборади.

40. Ариза берувчи томонидан тақдим этилган хужжатлар тўлиқ бўлмаганда, нотўғри маълумотлар мавжудлиги аниқланган тақдирда комиссия ариза берувчига субсидия ажратишни рад этиш түғрисида қарор қабул қиласди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлган тақдирда қарор нусхаси тақроран ариза топшириш мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда тегишли туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказига бир иш куни мобайнида юборилади.

41. Субсидия тақдим этиладиган талабгорлар сони Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликларининг туманлар (шахарлар) бўйича тасдиқланган қарорида белгиланган сонидан ошиб кетган тақдирда, талабгорлар сони қуидаги тартибда аникланади:

энг юқори балл олган талабгорлар кетма-кетлигida;

охирги энг юқори балл тўплаган икки ёки ундан ортиқ ариза берувчининг баллари teng бўлиб қолган тақдирда, календарь тартибга кўра ҳужжатларни биринчи бўлиб топширган ариза берувчи талабгор сифатида тан олинади.

42. Ушбу Низомга мувофиқ тақдим этиладиган субсидиялар бир оиласа (оила аъзоларининг биттасига) фақат 1 (бир) марта берилади. Квартира сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун ажратиладиган ипотека кредити учун субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарнома у берилган вактдан бошлаб 12 ой давомида амал қилади.

Бунда талабгор фойдаланмаган квартира сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномани берор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда дастурий таъминот тизимида тегишли тузатишлар киритади (субсидия олиш тўғрисидаги топширилган ариза берор қилиниши бўйича масъул ташкилотларга хабар беради). Бунда хабарнома берор қилинган тақдирда, ушбу ҳудуд учун белгиланган субсидиялар ажратишнинг параметрларида рад этилган субсидиялар сони қайта инобатга олинади.

Квартира сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномаси берор қилиниши бўйича масъул ташкилотларга хабар беради. Бунда хабарнома берор қилинган тақдирда, ушбу ҳудуд учун белгиланган субсидиялар ажратишнинг параметрларида рад этилган субсидиялар сони қайта инобатга олинади.

Квартира сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномаси ёки аризаси рад этилган талабгор ёки ариза берувчи ушбу Низомда белгиланган умумий тартибда бир йилда қайта (икки марта) мурожаат қилишга ҳақли.

Ушбу Низомга мувофиқ тақдим этиладиган субсидиялар айрим тоифадаги шахслар (Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва бошқа ҳарбий тузилмаларнинг ходимлари (ҳарбий хизматчиларидан ташқари)) ва давлат ҳисобидан уй-жойлар билан таъминланмаган нафақадаги ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларига (эр ёки хотини) нисбатан ҳам татбиқ этилади.

43. Субсидия тақдим этишни рад этиш тўғрисидаги хабарномани олган ариза берувчи ушбу Низомда белгиланган умумий тартибда такроран (бир календарь йилда икки марта) мурожаат қилишга ҳақли.

44. Ижтимоий мезонлар бўйича баҳолаш натижаларига кўра 30 ва ундан юқори балл тўплаган, лекин жорий йил учун белгиланган субсидиялар сони тутаганлиги сабабли субсидия олиш имкониятига эга бўлмаган талабгорлар кейинги йил учун субсидия олувчилар рўйхатига автоматик тарзда киритилади.

45. Жорий йил учун ажратилған субсидиялар сони тугаган тақдирда, комиссия томонидан уч иш куни мобайнида аризаларни қабул қилишни тұхтатиши ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон берилади ҳамда тегишли туман (шахар) Давлат хизматлари марказына ахборот юборилиши шарт.

Комиссия ёки масъул ташкилот ходимлари томонидан ижтимоий мезонлар бүйича баҳолаш жараёнида маълумотлар нотүгри ва/ёки хато киритилған тақдирда, комиссия раисининг ёзма мурожаатига асосан дастурий таъминот тизим оператори томонидан маълумотлар түғрилаш учун комиссия ёки масъул ташкилотта қайтарилади.

Комиссия ёки масъул ташкилот түғрилаш учун қайтарилған маълумотларни тизимга қайта кириши хуқуқига эга.

Ариза берувчини ижтимоий мезонлар бүйича баҳолаш адолатли ва ҳаққонийлиги учун тегишлилиги бүйича комиссия аъзолари ва масъул ташкилот ходимлари шахсан жавобгардирлар.

## **6-боб. Ипотека кредити бүйича субсидияни ҳисоблаш тартиби**

46. Давлат хизматлари марказидан субсидия бериш түғрисида ижобий хабарномани олган талабгор уй-жойни ипотека кредити орқали сотиб олиш бүйича қурилиш (пудрат) ташкилоти билан шартнома тузади.

Талабгор томонидан танланған уй-жойнинг қиймати хабарномада күрсатилған сотиб олиниши мумкин бўлган уй-жойнинг юқори қийматидан ошган тақдирда, қуйидаги шартлар билан субсидия тўланишига ва ипотека кредити ажратилишига рухсат этилади:

сотиб олинадиган квартиранинг қиймати уй-жойлар ҳисобланган қийматидан ошмаганда;

сотиб олинадиган квартира майдони квартира майдонининг энг кўп меъёридан ошмаганда;

бошланғич бадал учун субсидия миқдори хабарномада күрсатилған сотиб олиниши мумкин бўлган уй-жойнинг юқори қиймати бүйича;

ипотека кредити ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошмаган миқдорда.

Бунда сотиб олинадиган квартира бүйича бошланғич бадал учун тўлаб бериладиган субсидия суммасидан ортган қисми қарз олувчининг ўз маблағлари ва қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўланади.

47. Ипотека кредитини белгиланған тартибда расмийлаштириш учун талабгор исталған иштирок этувчи тижорат банкига:

уй-жой сотиб олиш учун субсидия тақдим этиш түғрисидаги хабарномани ва уй-жойни ипотека шартлари асосида сотиб олиш бүйича қурилиш ташкилоти билан тузилған шартномани ҳамда фукаро ўзига тегишли бўлган бадал маблағларини банкдаги ҳисобварағига жойлаштирганлиги түғрисида маълумотномани;

курилған ва реконструкция қилинған якка тартибдаги уй-жойнинг кадастр хужжатларини ҳамда банк томонидан белгиланған бошқа хужжатларни тақдим қиласи.

48. Иштирок этувчи тижорат банки талабгорнинг хужжатларини уч иш куни мобайнида ўрганиб чиқади.

Ипотека кредити ажратиш (қурилган ва реконструкция қилинган якка тартибдаги уй-жойлар учун ажратилган кредитни ипотека кредитига қайта расмийлаштириш) маъқулланган тақдирда, тижорат банки туман (шаҳар) молия бўлими билан биргаликда ипотека кредити бўйича давлат бюджетидан талабгорга ажратилиши мумкин бўлган субсидия суммасини аниқлади.

49. Субсидиялар:

а) уй-жойлар (квартиralар)ни сотиб олиш учун:

шахарлар ва қишлоқ жойларда – бошланғич бадалнинг бир қисмини тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун уй-жойнинг ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдорида ва биринчи беш йил давомида ипотека кредити бўйича фоиз тўловлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун – Тошкент шаҳрида 12 фоизлик пунктдан ошган қисмига, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар шахарларида 10 фоизлик пунктдан ошган қисмига тўланади.

б) якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун ажратилган ипотека кредитларининг биринчи беш йил давомида фоизларини қоплаш учун – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларида 10 фоизлик пунктдан ошган қисмига тўланади.

50. Шахарларда ва қишлоқ жойларда уй-жойлар (квартиralар)ни сотиб олиш учун ипотека кредити бўйича бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш мақсадида Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия миқдори қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$C_{\text{б}} = Y_k * 10\%,$$

бунда:

$C_{\text{б}}$  – бошланғич бадалнинг бир қисмини тўлашга субсидия суммаси;

$Y_k$  – уй-жойнинг ҳисобланган қиймати (агар сотиб олинадиган уй-жойнинг шартномадаги қиймати уй-жой ҳисобланган қийматидан кам бўлган тақдирда, бошланғич бадалнинг бир қисми учун субсидиялар шартномада кўрсатилган қийматнинг 10 фоизи миқдорида ажратилади).

51. Шахар ва қишлоқ жойларда уй-жойлар (квартиralар)ни сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун ажратиладиган ипотека кредити учун ипотека кредити бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини биринчи 5 йил давомида қоплаш мақсадида Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия миқдори қуйидаги тартибда ҳисобланади:

ипотека кредити бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун тўланадиган субсидия суммаси қуйидаги формула билан аниқланади:

$$C_m = K_c * (A_\Phi - B_\Phi)$$

бунда:

$C_m$  – ипотека кредити бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун тўланадиган субсидия суммаси;

$K_c$  – ипотека кредити бўйича асосий қарзнинг қолдиқ суммаси;

$A_\Phi$  – ипотека кредити шартномасида тижорат банки ҳамда ариза берувчи келишувига асосан белгиланган фоиз ставкаси;

Б<sub>ф</sub> – Тошкент шаҳрида 12 фоизлик пункт (якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилишдан ташқари), Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар шаҳарларида ҳамда қишлоқ жойларда 10 фоизлик пункт.

Бунда якка тартибдаги уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш учун ажратилган ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ушбу якка тартибдаги уй-жойлар қуриб битказилгандан ва/ёки реконструкция қилингандан сўнг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

52. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, тижорат банкларининг ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкалари мутаносиб равишда пасаяди, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолади.

Тижорат банкларининг ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкалари пасайганда, фоиз ҳаражатларининг бир қисмини қоплаш учун тўланадиган субсидия миқдори ушбу санадан бошлаб мутаносиб равишда камаяди.

## **7-боб. Ипотека кредитини расмийлаштириш ва субсидияларни тўлаб бериш тартиби**

53. Сотиб олинадиган уй-жой (квартира) бўйича талабгор томонидан тўланиши лозим бўлган бошланғич бадал тўлиқ шакллантирилгандан сўнг иштирок этувчи тижорат банки талабгор билан бир иш кунида ипотека кредити шартномасини тузади.

54. Талабгор томонидан сотиб олинадиган уй-жой (квартира)нинг кадастр ҳужжатлари тақдим этилгандан сўнг тижорат банки бир иш куни ичида туман (шаҳар) ғазначилик бўлимларига бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун кадастр ҳужжатларини илова қилган ҳолда субсидия суммасини тўлашга буюртманомани юборади.

55. Туман (шаҳар) ғазначилик бўлимлари уч иш куни мобайнида ипотека кредити бўйича бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия суммасини тижорат банки томонидан кўрсатилган ҳисобварағига ўтказиб беради.

56. Бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия суммаси ўтказилган санадан бошлаб ўттиз кун ичида узрли сабабларсиз фойдаланилмаган тақдирда, иштирок этувчи тижорат банки субсидия маблағларини туман (шаҳар) ғазначилик бўлимининг тегишли ҳисобварағига қайтаради.

Бунда иштирок этувчи тижорат банки томонидан ушбу банднинг биринчи хатбохисида назарда тутилган муддат ўтгандан сўнг уч иш куни ичида ажратилган субсидия суммаси туман (шаҳар) ғазначилик бўлимининг тегишли ҳисобварағига қайтарилмаган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган кун учун ушбу қайтарилмаган субсидия суммасининг 0,033 фоизи миқдорида пеня ҳисобланади.

57. Талабгорларга шаҳар ва қишлоқ жойларда:

уй-жойларни сотиб олиш учун ипотека кредитлари ажратилган кундан бошлаб;

куриб битказилган ва реконструкция қилинган якка тартибдаги уй-жойлар учун кадастр ҳужжатлари асосида ипотека кредитлари қайта расмийлаштирилган сўнг иштирок этувчи тижорат банклари томонидан уч иш куни ичida туман (шаҳар) ғазначилик бўлимларига ипотека кредитлари бўйича тўловларни қайтариш графиклари илова қилинган ҳолда фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар тўлашга буюртманомалар билан талабгорларнинг тегишли ҳисобвараклари реквизитлари юборилади.

Бунда қурилган ва реконструкция қилинган якка тартибдаги уй-жойлар учун ипотека кредитлари тўловларини қайтариш графикларида фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланиши инобатга олинади.

58. Туман (шаҳар) ғазначилик бўлимлари томонидан ипотека кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар суммаси ушбу Низомнинг 57-бандида кўрсатилган буюртманомалар тақдим этилган ойдан бошлаб ҳар ойнинг 25-кунига кадар ўтказиб берилади.

Бунда субсидия ажратилган фукаронинг ипотека кредитлари бўйича тўловларни қайтариш графигида ўзгаришлар бўлган тақдирда, иштирок этувчи тижорат банки бу ҳақида 3 иш кунида туман (шаҳар) ғазначилик бўлимларига кўшимча маълумотлар киритади.

Иштирок этувчи тижорат банклари томонидан туман (шаҳар) ғазначилик бўлимларига кредит тўловларини қайтариш графикларидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар киритилмаслиги натижасида ортиқча тўланган субсидиялар тижорат банки ҳисобидан Давлат бюджетига тикланади.

## 8-боб. Якунловчи қоидалар

59. Ариза берувчи ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар, талабгор ва пудрат ташкилоти уй-жойнинг ҳақиқий қиймати, иштирок этувчи тижорат банки ажратилган ипотека кредити суммаси ва фоиз ставкаси, молия бўлимлари ҳисобланган ва ажратилган субсидия суммаси тўғри ҳисобланиши учун жавоб беради.

60. Уй-жой сотиб олишга ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун ажратиладиган ипотека кредити талабгор билан тузилган ипотека кредит шартномалари шартларига риоя этилишини назорат қилиш иштирок этувчи тижорат банки томонидан амалга оширилади.

61. Иштирок этувчи тижорат банки ҳар чоракда туман (шаҳар) ғазначилик бўлимлари билан биргаликда талабгорнинг ипотека кредити бўйича тўловларни қайтариш графики ва ажратилган субсидия суммалари асосида солиштирма далолатномани расмийлаштиради.

62. Субсидия бўйича охирги тўлов амалга оширилгандан сўнг иштирок этувчи тижорат банки уч иш куни мобайнида туман (шаҳар) ғазначилик бўлимлари ва талабгорга ажратилган субсидиядан тўлиқ фойдаланилганлиги тўғрисида хабарнома юборади ҳамда ғазначилик бўлимлари билан якуний солиштирма далолатномани расмийлаштиради.

63. Ойлик субсидия суммаси ортиқча тўланганда, туман (шаҳар) ғазначилик бўлимлари томонидан кейинги ойда талабгор учун субсидия тўлови аввал тўланган ортиқча тўловни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

64. Иштирок этувчи тижорат банкининг ички сиёсатларида белгиланган муддатларда ипотека кредитлари бўйича тўловларни сурункали равишда тўламаслик оқибатида бекор қилинган ипотека кредити шартномалари бўйича ундириладиган маблағлар (шу жумладан, гаровдаги уй-жойнинг сотилиши) ҳисобидан талабгорга бошланғич бадал ва фоиз тўловларининг бир қисми учун ажратилган субсидия суммаси ипотека кредити бўйича гаровга қўйилган уй-жойнинг сотилган қийматидан белгиланган тартибда тегишли туман (шаҳар) ғазначилик бўлимларига ушбу банклар томондан тўлиқ миқдорда қайтарилади.

65. Меҳнат мигрантлари, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оиласлар ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларга бериладиган субсидиялар сони қонун ҳужжатларига мувофиқ янги тартиб доирасида улар учун қуриладиган уй-жойлар сонидан ошмаслиги лозим.

66. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилиши, талабгорларга субсидиялар ҳисобланиши ва тўланиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

67. Ариза берувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

68. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги  
уй-жойларни куриш ва реконструкция  
қилиш учун фуқароларга субсидия тұлаш  
тартиби түғрисидеги низомга  
1-илова

## Уй-жойга муҳтож фуқароларни аниқлашнинг ижтимоий МЕЗОНЛАРИ

Т/р	Мезонлар	Балл	Масъул орган
<b>I. Ариза берувчи ва/ёки унинг оиласининг даромади (мехнатга ҳақ тұлашнинг энг кам миқдори – МХТЭКМ асосида)</b>			
<b>Қишлоқ жойларда (туман ва туман марказлари)</b>			
1.	МХТЭКМнинг 3,0 га тенг ва күп бўлган, 6,0 га тенг ва кам бўлган	10	Туман (шаҳар) давлат солик инспекцияси
2.	МХТЭКМнинг 6,0 дан күп бўлган, 6,5 га тенг ва кам бўлган	6	
3.	МХТЭКМнинг 6,5 дан күп бўлган, 6,9 га тенг ва кам бўлган	2	
<b>Шаҳарларда (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар шаҳарлари)</b>			
1.	МХТЭКМнинг 3,0 га тенг ва күп бўлган, 7,0 га тенг ва кам бўлган	10	Туман (шаҳар) давлат солик инспекцияси
2.	МХТЭКМнинг 7,0 дан күп бўлган, 7,5 га тенг ва кам бўлган	6	
3.	МХТЭКМнинг 7,5 дан күп бўлган, 8,0 га тенг ва кам бўлган	2	
<b>Тошкент шаҳрида</b>			
1.	МХТЭКМнинг 3,0 дан га тенг ва күп бўлган 8,0 га тенг ва кам бўлган	10	Туман (шаҳар) давлат солик инспекцияси
2.	МХТЭКМнинг 8,0 дан күп бўлган 8,5 га тенг ва кам бўлган	6	
3.	МХТЭКМнинг 8,5 дан күп бўлган 9,2 га тенг ва кам бўлган	2	
<b>II. Ҳозирги турар жой мақоми*</b>			
1.	Ижара (эр-хотин ўз мулкида уй-жойи мавжуд эмас)	20	Туман (шаҳар) давлат солик инспекцияси, Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхонаси
2.	Эгасининг рухсати билан текин турар жой (эр-хотин ўз мулкида уй-жойи мавжуд эмас)		
3.	Ариза берувчи яроқсиз якка тартибдаги уй-жойда яшаши ёки уй-жой яшаш майдонининг бир шахс учун қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ижтимоий нормага мувофиқ эмаслиги.		
<b>III. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим шахслар</b>			
1.	“labor-migration” дастурида рўйхатдан ўтган меҳнат мигранти	10	Туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш маркази
2.	Етим болалар ва ота-онасининг қарамогидан маҳрум бўлган болалар	10	Туман (шаҳар) ҳокимлиги
3.	Алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар	10	Ёшлилар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлими

4.	Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёллар**	10	Туман (шахар) маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш бўлими
5.	Ягона (ёлғиз) бокувчига эга бўлган оила (эркак ёки аёл)	9	
6.	Бошқалар	0	
<b>IV. Ариза берувчи ва унинг оиласидаги шахсларнинг қуидаги тоифага мансублиги***</b>			
1.	Биринчи гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахс	10	Туман тиббиёт бирлашмаси хулосаси
2.	Сурункали касалликнинг оғир турларидан азоб чекувчи	10	
3.	Оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган болани парваришлаётган	10	
<b>Жами балл:</b>		<b>50</b>	

**Изоҳ:**


\* Тўлиқ ўз мулкида уй-жойига эга бўлган оиласалар (эр ёки хотин)га субсидия ажратилмайди.

\*\* III бўлимдаги “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёллар” мезони бўйича 10 балл олган номзодларга IV бўлим мезонлари бўйича балл берилмайди.

Шунингдек, IV бўлим мезонлари бўйича 10 балл олган номзодларга III бўлимдаги “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёллар” мезони бўйича балл берилмайди.

\*\*\* III ва IV бўлимлар бўйича балл битта мезонга берилади.

Уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги  
уй-жойларни куриш ва реконструкция  
қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова



**UY-JOY SOTIB OLİSH YOKI YAKKA TARTİBDAGI UY-JOYLARNI QURISH  
VA REKONSTRUKSIYA QILISH UCHUN SUBSIDIYA  
TAQDIM ETISH TOG'RISIDA**  
000000-son  
**XABARNOMA**

Berilgan sanasi «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ yil

Amal qilish muddati «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ yil

**Fuqaro**

(F.I.O.)

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil \_\_\_\_\_ -son qarori bilan tasdiqlangan Uy-joy sotib olish yoki yakka tartibdagi uy-joylarni qurish va rekonstruksiya qilish uchun fuqarolarga subsidiya to'lash tartibi to'g'risidagi nizomga muvofiq \_\_\_\_\_ deb topildi.

(ijtimoiy me'zonga muvofiqligi)

Passport ma'lumotlari: seriyasi \_\_\_\_\_ raqami

Kim tomonidan berilgan \_\_\_\_\_, berilgan sanasi \_\_\_\_\_

Yashash manzili \_\_\_\_\_

Ro'yxatdan o'tgan manzili \_\_\_\_\_

Davlat byudjeti hisobidan turar joy bilan ta'minlash huquqiga ega bo'lgan u bilan birga yashaydigan oila a'zolari hisobga olingan holda (tegishli tanlanadi):

1. Uy-joy sotib olish uchun dastlabki badal va foiz to'lovlarining bir qismini to'lash bilan bog'liq xarajatlarni qoplash uchun subsidiya ajratiladi.


Bunda sotib olinishi mumkin bo'lgan uy-joyning yuqori qiymati \_\_\_\_\_ so'm.

2. Yakka tartibdagi uy-joylarni qurish va rekonstruksiya qilish uchun ipoteka krediti foiz to'lovlarining bir qismini to'lash bilan bog'liq xarajatlarni qoplash uchun subsidiya ajratiladi.

Bunda yakka tartibdagi uy-joylarni qurish va rekonstruksiya qilish uchun ajratilishi mumkin bulgan ipoteka kreditining yuqori qiymati \_\_\_\_\_ so'm.

QR-kod

Уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги  
уй-жойларни қуриш ва реконструкция  
қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
За-илова



**UY-JOY SOTIB OLİSH YOKA TARTİBDAGI UY-JOYLARNI QURISH  
VA REKONSTRUKSIYA QILISH UCHUN SUBSIDIYA  
TAQDIM ETISHNI RAD ETISH TOG'RISIDA**  
000000-son  
**XABARNOMA**

Berilgan sanasi « \_\_\_\_ » 20 \_\_\_\_ yil

Fuqaro \_\_\_\_\_  
(F.I.O.)

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil \_\_\_\_\_ -son qarori bilan tasdiqlangan Uy-joy  
sotib olish yoki yakka tartibdagi uy-joylarni qurish va rekonstruksiya qilish uchun fuqarolarga subsidiya to'lash  
tarтиби to'g'risidagi nizomning talablariga \_\_\_\_\_

sababli **subsidiya taqdim etilishi muvofiq emas** deb topildi. (nizomning qaysi talablariga muvofiq emasligi  
ko'rsatilishi kerak)

Passport ma'lumotlari: seriyasi \_\_\_\_\_ raqami  
\_\_\_\_\_

Kim tomonidan berilgan \_\_\_\_\_, berilgan sanasi  
\_\_\_\_\_

Yashash manzili \_\_\_\_\_

Ro'yxatdan o'tgan manzili  
\_\_\_\_\_

QR-kod

Уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги  
уй-жойларни куриш ва реконструкция  
қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

\_\_\_\_\_ тумани (шахри)да субсидия тўланадиган талабгорларни  
танлаб олиш бўйича комиссиянинг намунавий  
**ТАРКИБИ**

1. Лавозимига – Туман (шахар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва  
кўра камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи  
ўринбосари, *Комиссия раиси*
2. Лавозимига – Туман (шахар) халқ қабулхонаси раҳбари, *Комиссия  
раиси ўринбосари*
3. Лавозимига – Туман (шахар) ҳокими ўринбосари — маҳалла ва оилани  
кўра кўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи
4. Лавозимига – Туман (шахар) молия бўлими бошлиғи  
кўра
5. Лавозимига – Туман (шахар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази  
кўра директори
6. Лавозимига – Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шахар) бўлими  
кўра бошлиғи
7. Лавозимига – Туман (шахар) давлат солиқ инспекцияси раҳбари  
кўра
8. Лавозимига – Иштирок этувчи тижорат банкининг туман (шахар)  
филиали раҳбари
9. Лавозимига – Туман (шахар) иқтисодий таракқиёт ва камбағалликни  
кисқартириш бўлими бошлиғи ўринбосари, *Комиссия  
котиби*

Уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги  
уй-жойларни қуриш ва реконструкция  
қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
4-илова

**Уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш  
ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-bosqich	Ариза берувчи	<p>Ариза берувчи субсидия олиш учун туман (шахар) Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мустақил равишда анкета-аризани электрон тарзда тўлдиради.</p>	Йил давомида (ҳафтанинг душанба-жума кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача)
2-bosqich	Туман (шахар) Давлат хизматлари маркази	<p>1. Анкета-ариза ва унга илова қилинган хужжатлар, туман (шахар) Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади.</p> <p>2. Туман (шахар) Давлат хизматлари маркази аризаларни кайд қилиниши навбатлигига кўра туман (шахар) тиббиёт бирлашмасига, ички ишлар бўлимига (бошқармасига), молия бўлимига, давлат солик инспекциясига, аҳоли бандлиги кўмаклашиб марказига, ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига, туман (шахар) маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш бўлимига, Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шахар) бўлимига, туман (шахар) ҳокимлигига, иштирок этувчи тижорат банкига электрон шаклда тақдим этади.</p>	1 иш куни мобайнида
3-bosqich	Тиббиёт бирлашмаси	<p>Ариза берувчи ва унинг оила аъзолари орасида сурункали касалликнинг оғир турларидан азоб чекувчи ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ алоҳида хонада яшашга муҳтоҷ бўлган шахсларнинг мавжудлиги, ариза берувчининг оила аъзолари орасида биринчи гурух ногирони мавжудлиги, ёлғиз ўзи оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган болани парваришилаётган аёллар тўғрисидаги маълумотларни дастурий таъминотга киритади ва тасдиқлади.</p>	10 иш куни мобайнида
	Ички ишлар бўлими (бошқармаси)	Ариза берувчи бошқа оиласалар билан бир уйда (бир квартирада) яшashi тўғрисидаги тегишли маълумотларни дастурий таъминотга киритади ва тасдиқлади.	
	Молия бўлими	Тақдим этиладиган субсидияларнинг миқдори тугаганлиги тўғрисидаги маълумотни дастурий таъминотга киритади ва тасдиқлади.	

3-боскич	Давлат солик инспекцияси Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Туман (шахар) Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш бўлими Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шахар) бўлими туман (шахар) ҳокимлиги Иштирок этувчи тижорат банклари	Давлат солик инспекцияси – Солик тўловчининг идентификация рақами, турар жойда ижара шартлари асосида яшаши ҳамда ариза берувчи ва ушбу Низомнинг 16-бандида келтирилган шахсларнинг (аризада кўрсатилган ҳолатларда) даромадлари тўғрисидаги тегишли маълумотларни дастурий таъминотга киритади ва тасдиқлади. Ариза берувчининг кам таъминланганларга мансублиги тўғрисидаги маълумотни дастурий таъминотга киритади ва тасдиқлади. Доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидан кадастр хужжатининг маълумотлари (агар турар жойи доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жой билан тўғри келса), ариза берувчида, шу жумладан, унинг турмуш ўртофи ва фарзандларида мулк ҳуқуки билан турар жойнинг бор-йўқлиги, яшаш учун яроқсиз турар жойда яшаши, уй-жой умумий майдонининг бир шахс учун қонун хужжатларида назарда тутилган ижтимоий нормага мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги тегишли маълумотларни дастурий таъминотга киритади ва тасдиқлади. Ариза берувчининг оғир ижтимоий вазиятга тушиб колган аёллар, ягона (ёлғиз) бокувчисига эга бўлган оила – аёллар тоифасига мансублиги. Ариза берувчининг алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оиласига мансублиги. Ариза берувчининг етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тоифасига мансублиги.	10 иш куни мобайнида
4-боскич	Комиссия	1. Аризаларни уларнинг қайд этилиши навбатлилигига кўра кўриб чиқади. 2. Таалабгорларни аниқлаш бўйича тақдим этилган хужжатлар, масъул ташкилотларнинг баҳолаш натижалари Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади. Танлов натижалари юзасидан субсидия бериш ёки рад этиш тўғрисида QR-код кўйилган қарор қабул қиласи ва Давлат хизматлари маркази орқали электрон тарзда ариза берувчига юборади.	Маълумотлар олинган кундан бошlab 7 иш куни мобайнида, ариза берувчи иштирокида 1 иш куни мобайнида

5-босқич	Талабгор	<p>Ўзининг даромади ва имкониятларидан келиб чиқиб мўлжаллаётган уй-жойни, унинг хисобланган қийматидан ошмаган ҳакиқий қийматини инобатга олган ҳолда ипотека кредити орқали сотиб олиш бўйича хусусий курилиш (пудрат) ташкилоти билан шартнома тузади.</p> <p>Ипотека кредитини белгиланган тартибда расмийлаштириш учун талабгор исталган иштирок этувчи тижорат банкига квартира сотиб олиш учун субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномани ва уй-жойни ипотека шартлари асосида сотиб олиш бўйича курилиш ташкилоти билан тузилган шартномани ҳамда фуқаро ўзига тегишли бўлган бадал маблағларини банкдаги хисобварағига жойлаштирганлиги тўғрисидаги маълумотномани ҳамда банк томонидан белгиланган бошқа хужжатларни тақдим қиласди.</p> <p>Курилган ва реконструкция килинган якка тартибдаги уй-жойнинг кадастр хужжатларини ҳамда банк томонидан белгиланган бошқа хужжатларни тақдим қиласди.</p>	Субсидия бериш тўғрисидаги қарорни олгандан сўнг 1 ой (хабарнома амал қилиши муддатиниг охириги кунигача) мобайнида
6-босқич	Иштирок этувчи тижорат банки ва молия бўлими	<p>1. Иштирок этувчи тижорат банки талабгорнинг хужжатларини ўрганиб чиқади.</p> <p>2. Ажратиладиган ипотека кредити бўйича давлат бюджетидан талабгорга қоплаб берилиши мумкин бўлган субсидия суммасини аниқлади.</p>	Кадастр хужжатлари тақдим этилгандан сўнг 3 иш куни мобайнида
7-босқич	Иштирок этувчи тижорат банки	<p>1. Талабгор билан ипотека кредитини ажратиш тўғрисида шартномани имзолайди ҳамда ипотека кредитини расмийлаштиради.</p> <p>2. Талабгор томонидан сотиб олинадиган уй-жой (квартира)нинг кадастр хужжатлари тақдим этилгандан сўнг тижорат банки туман (шаҳар) ғазначилик бўлимига бошлангич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун кадастр хужжатларини илова қилган ҳолда субсидия суммасини тўлашга буюртманомани юборади.</p>	3 иш куни мобайнида
8-босқич	Худудий ғазначилик бўлими	<p>Сотиб олинаётган уй-жой (квартира) учун ажратилган ипотека кредити бўйича бошлангич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия суммасини тижорат банки томонидан кўрсатилган хисобварақقا ўтказиб беради.</p>	1 иш куни ичида
9-босқич	Иштирок этувчи тижорат банки	<p>Ипотека кредитини ажратиш тўғрисида шартнома ва унга илова (тўловлар жадвали)ни ипотека кредити фоизини ҳар ойда тўлаб бориш учун субсидия ажратилиши бўйича худудий ғазначилик бўлимига юборади.</p> <p>Курилган ва реконструкция килинган якка тартибдаги уй-жойлар кадастр хужжатлари тақдим этилгандан сўнг ажратилган кредит ипотека кредитига қайта расмийлаштирилади.</p>	3 иш куни мобайнида
10-босқич	Худудий ғазначилик бўлими	<p>Ипотека фоизларининг бир қисмини қоплаш учун маблағларни ўтказиб боради.</p>	Ипотека кредити тақдим этилганидан сўнг 3 иш куни мобайнида
			1 иш куни мобайнида
			Ҳар ойнинг 25-кунигача

Уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги  
уй-жойларни қуриш ва реконструкция  
қилиш учун фуқароларга субсидия түлаш  
тартиби тұғрисидаги низомга  
5-илова

## АНКЕТА-АРИЗА

Ариза № \_\_\_\_\_

Қабул қилиш санаси \_\_\_\_\_

Қабул қилған шахс \_\_\_\_\_


1. _____ (фамилияси)	_____ (исми)	_____ (отасининг исми)
2. Манзил: _____ (аҳоли пункті)	_____ (туман, шаҳар)	_____ (вилоят)
3. Туғилган санаси ____ / ____ / ____	4. Жинси ____ аёл ____ эркак	5. Солиқ түловчининг идентификация рақами (СТИР)
6. Оиласын ахволи ____ бўйдоқ / турмушга чиқмаган ____ уйланган / турмушга чиққан ажрашган ____ бева	7. Асосий фаолият тури (бандлик, иш жойи): _____	8. Паспорт бўйича жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР)*: _____
9. Оила аъзоларингизни уларнинг ёшини кўрсатган ҳолда санаб ўтинг: 1. ____, ёш: ____ 2. ____, ёш: ____ 3. ____, ёш: ____ 4. ____, ёш: ____ 5. ____, ёш: ____ 6. ____, ёш: ____	10. Қўйидаги шахслар Сизнинг оилангизда яшайдими? Агар яшаса, сонини кўрсатинг: 1. Биринчи гурӯҳ ногирони ____ киши. 2. Сурункали касалликларнинг оғир турларидан азоб чекувчилар ____ киши. 3. Оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган болани парваришилаётган.	11. Ҳар ойлик даромад миқдори (зарурат бўлганда хотини (эри), улар билан бир уйда биргаликда яшовчи ота- онаси ҳамда фарзандларининг даромадлари): _____ сўм; _____ сўм; _____ сўм; _____ сўм.
13. Сизнинг ҳозирги уй- жойингизнинг хуқукий мақоми: ____ мулк ____ ижара ____ мулкдор рухсати билин бепул яшаш	14. Қайси турдаги арzon уй-жойдан олмоқчисиз? шахарда _____ қишлоқ жойда _____	11.1. Ҳар ойлик қўшимча даромад миқдори: ____ сўм.
14 <sup>1</sup> . Якка тартибдаги уй-жойни курмоқчимисиз ёки реконструкция қилмоқчимисиз? _____	14 <sup>1</sup> . Якка тартибдаги уй-жойни қуриш Якка тартибдаги уй-жойни қуриш _____	12. Ҳозирги вақтда оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган турар жой майдони: ____ кв.м.
15. Сизнинг алоқа қилиш учун маълумотларингиз? эл. почта _____ уй тел: _____ иш тел: _____ уяли тел: _____	15.1. Ипотека кредитини қайси тижорат банкидан олмоқчисиз?	

Якка тартибдаги уй-жойни  
реконструкция қилиш \_\_\_\_\_  
14.1. Қиймати қанча бўлган уй-жой  
олмоқчисиз? \_\_\_\_\_  
14<sup>1</sup>.1. Қанча миқдорда ипотека кредити  
олмоқчисиз? \_\_\_\_\_  
14.2. Уй нархининг неча фоизини  
бошланғич тўлов сифатида тўлай  
оласиз? \_\_\_\_\_  
14<sup>1</sup>.2. Ажратиладиган ипотека кредити  
бўйича камида 15 фоиз миқдоридаги  
бошланғич бадал учун маблағлар  
мавжудми? \_\_\_\_\_  
Нақд пул кўринишида \_\_\_\_\_  
Курилиш материаллари кўринишида

Якка тартибдаги уй-жой қисман  
курилган ёки реконструкция қилинган

16. Сиз қўйидаги фуқаролар тоифаларига мансубмисиз? Агар мансуб бўлсангиз,  
қайсилигига кўрсатинг:  
мехнат мигранти \_\_\_\_\_;  
етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар \_\_\_\_\_;  
оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёллар \_\_\_\_\_;  
алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оиласлар \_\_\_\_\_.  
Мен уй-жой олиш ҳамда уй-жой учун субсидия олишдан манфаатдорлигимни билдираман  
ва юкорида кўрсатилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлайман ва тегишли  
маълумотларнинг ошкор этилишига розилигимни билдираман. Паспорт ва ижтимоий  
мезонларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари илова қилинади.

ИМЗО



ЙИЛ КУН ОЙ

\* ЖШ ШИРни аниқлаш қуйида кўрсатилган (бу ерда ЖШ ШИР рақами сариқ ранг  
 билан белгиланган — 30101800050014 рақами).”

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги 56-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари ажратиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“якка тартибдаги уй-жойларни куриш (реконструкция қилиш) учун ипотека кредитларини ажратишда”;

куйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“тижорат банклари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан улушдор-жисмоний шахсларга берилган ипотека кредитларини Молия вазирлиги томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан қайта молиялаштиришда қўлланилади”;

б) 3-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“тижорат банкларининг (кейинги ўринларда – банк) ички кредит сиёсатига мувофиқ ўз маблағлари (янги тартиб доирасида улушдор-жисмоний шахсларга ажратилган ипотека кредитлари бундан мустасно), халқаро молия ташкилотлари ва хорижий хукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳамда бошқа жалб қилинган маблағлар ҳисобидан жисмоний шахсларга уй-жой (квартира) сотиб олиш, куриш (реконструкция қилиш), таъмирлаш учун ипотека кредитлари ажратишга”;

в) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ариза берувчи** – бирламчи уй-жой бозорида квартирани сотиб олиш ёки якка тартибда уй-жой куриш (реконструкция қилиш) мақсадида ипотека кредити олиш учун банкка ариза тақдим этган фуқаро;

**бирламчи уй-жой бозори** (янги қурилган уй-жой) – туман (шаҳар) ҳокимининг қурилиши тугалланган уй-жойни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисида комиссия далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарори асосида мулк ҳуқуқи юзага келган ҳамда қабул қилиб олинганига уч йилдан кўп бўлмаган уй-жой;

**биргаликда қарз оловчи** – қарз оловчининг ипотека кредити асосий суммаси ва кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг ҳар ойдаги тўловларида қатнашадиган, шунингдек, ипотека кредити бўйича солидар жавоб берадиган жисмоний шахслар;

**бошлангич бадал** – сотиб олинадиган квартиранинг ёки қуриладиган (реконструкция қилинадиган) якка тартибдаги уй-жой қийматининг ипотека кредити олиш учун қарз оловчи томонидан ўз маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан белгиланган меъёрларда шакллантириладиган қисми;

**ипотека кредити** – ахолига бирламчи уй-жой бозоридаги квартираларни сотиб олиш учун ёки якка тартибдаги уй-жойларни куриш (реконструкция қилиш) учун Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан банклар томонидан бозор тамойиллари асосида ажратиладиган кредитлар;

**иштирок этувчи тижорат банклари** – фуқаролар томонидан бирламчи бозорда танланган уй-жойларни сотиб олишга ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуришга (реконструкция қилишга) Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитини тақдим этувчи банклар;

**пудрат ташкилоти** – кўп квартирали уйларни ёки якка тартибдаги уй-жойларни ўз маблағлари, банк кредити ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширувчи ҳамда бирламчи уй-жой бозорида қурилган квартиralарни сотиш учун таклиф этувчи тадбиркорлик субъекти;

**субсидия** – ипотека кредитлари асосида:

уй-жой сотиб олиш учун бошланғич бадал ва кредит фоизининг бир қисмини;

якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун кредит фоизининг бир қисмини қоплаш мақсадида давлат бюджетидан фуқаро учун банқда унинг номига очилган тегишли ҳисобваракқа ўтказилган маблағлар;

**уй-жой** – пудрат ташкилотлари томонидан ўз маблағлари, банк кредити ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қурилган бирламчи уй-жой бозоридаги квартиralар ҳамда фуқаронинг ўз кучи билан, хусусий пудрат ташкилотларини ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчиларни жалб этган ҳолда қурилган (реконструкция қилинган) якка тартибдаги уй-жойлар;

**уй-жойнинг ҳисобланган қиймати** – квартира хоналари сонидан қатъи назар унинг бир квадрат метрининг тегишли худуддаги ўртача бозор қиймати ҳамда майдонининг энг кўп меъёридан келиб чиқиб белгиланадиган қиймат;

**қарз оловчи** – бирламчи уй-жой бозоридаги квартирани сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойни қуриш (реконструкция қилиш) учун ипотека кредити олган ва кредит шартномасида белгиланган шартларда қайтариш мажбуриятини эга фуқаро;

**якка тартибдаги уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)** – фуқаронинг белгиланган тартибда умрбод эгалик қилиш хуқуки асосида ажратилган ер участкасида (кейинги ўринларда – ер участкаси) белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган лойиха асосида (кейинги ўринларда – лойиха асосида) фуқаронинг ўз кучи билан, хусусий пудрат ташкилотини ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчиларни ёллаган ҳолда якка тартибдаги уй-жой қуриш, унинг меъморчилик-режалаштириш ечимларини ўзгартириш, уйнинг устига, ёнига кўшимча қуриш, эскирган конструкциялар ва муҳандислик иншоотларини, шу жумладан, ташки тармоқларни (магистрал тармоқдан ташқари) қисмларга ажратган, алмаштирган ҳолда ўзгартириш”;

г) 6-банд куйидаги таҳирда баён қилинсин:

“6. Молия вазирлиги томонидан банкларга ажратиладиган маблағлар ва банклар томонидан қарз оловчиларга бериладиган ипотека кредитлари;

20 йилдан кўп бўлмаган муддатга бозор (фоиз) ставкасида ажратилади;

улар бўйича қоида тариқасида аннуитет тўловлар тартиби татбиқ этилади;

фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (кейинги ўринларда – Марказий банк) асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, мутаносиб равишда камаяди, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолади.

Бунда:

фоиз тўловларидағи ўзгаришлар Марказий банк асосий ставкасининг пасайтирилиши амалга киритилган кундан бошлаб ҳисоб-китоб қилинади;

карз олувчиларга уларнинг хоҳишига кўра б ойлик имтиёзли давр билан ва кредит тўловлари бўйича дифференциал тўловлар тартиби татбиқ этилиши, шунингдек, Молия вазирлиги томонидан банкларга ажратиладиган маблағлар бўйича ҳам ушбу шартлар белгиланиши мумкин;

улушдор-жисмоний шахсларга ипотека кредитлари улуш киритиши асосида курилган кўп квартирали уй-жойлардаги квартиralар давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг янги тартиб доирасида белгиланган ипотека кредитларининг энг кўп микдоридан ошмаган микдорда қайта молиялаштирилади.

Агар банклар томонидан ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкаси пасайтирилмаган тақдирда, банкнинг ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкасини пасайтирилмаслик натижасида олган фоиз даромадининг икки баравари микдорида жарима ҳисоблаган ҳолда унинг барча ҳисобваракларидан Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар (ундириш кунига ҳисобланган фоизлар билан бирга) сўзсиз ундирилади.

Ушбу шартлар Молия вазирлиги ва банклар ўртасидаги Бош битим ва шартномаларда ҳамда банклар ва қарз олувчилар ўртасидаги ипотека кредити шартномаларида белгилаб қўйилган бўлиши керак.”;

д) 7-банддаги “(қайта қуриш)” сўzlари “(реконструкция қилиш)” сўzlари билан алмаштирилсин;

е) 16-бандда:

“г” кичик банд куйидаги таҳирда баён қилинсин:

“г) ипотека кредити олиш учун бирламчи уй-жой бозорида сотиб олинидиган квартира қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдорда (шу жумладан, бошланғич бадалнинг бир қисми учун субсидия тўланадиган шахслар бўйича субсидия суммасини инобатга олган ҳолда) бошланғич бадални шакллантириш имкониятига эга бўлиши.”;

“д” кичик банд куйидаги таҳирда баён қилинсин:

“д) якка тартиbdаги уй-жой қуриш (реконструкция қилиш) ишлари қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдорда бошланғич бадални шакллантириш имкониятига эга бўлиши”;

“е” кичик банддаги “(қайта қуриладиган)” сўzlари “(реконструкция қилинадиган)” сўzlари билан алмаштирилсин;

“з” кичик банддаги “(қайта қуриш)” сўzlари “(реконструкция қилиш)” сўzlари билан алмаштирилсин;

ж) 22-банд куйидаги таҳирда баён қилинсин:

“22. Қарз олувчининг ипотека кредитини қайтариш бўйича мажбурияти таъминоти сифатида:

бирламчи уй-жой бозоридан сотиб олинаётган квартира;

якка тартибда куриладиган (реконструкция қилинадиган) уй-жой гарови ёки бошқа таъминот турлари тақдим этилади.

Улушдор-жисмоний шахслар ипотека кредити бўйича таъминот сифатида банкнинг ички кредит сиёсатига асосан пудрат ташкилотининг ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа мол-мулқдан фойдаланиши мумкин.

Агар кредит олиш вақтида пудрат ташкилотининг мол-мулқи ёки бошқа таъминот тури тақдим этилган бўлса, уй-жой қурилиши (реконструкция қилиниши) якунланиб кадастр хужжатлари расмийлаштирилганидан сўнг кредит бўйича таъминот ушбу уй-жойнинг ипотекасига алмаштирилади.”;

з) 24-банднинг иккинчи хатбошисидаги “(қайта қуриш)” сўzlари “(реконструкция қилиш)” сўzlари билан алмаштирилсин;

и) 25-банддаги “(қайта қуриладиган)” сўzlари “(реконструкция қилинадиган)” сўzlари билан алмаштирилсин;

к) 27-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “(қайта қуриш)” сўzlари “(реконструкция қилиш) сўzlари билан алмаштирилсин;

л) 28-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“28. Тайёр ҳолда топшириш шарти билан қуриб битказилган кўп квартирали уй-жойлардаги квартиralарни бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш ҳамда якка тартиbdаги уй-жойни қуриш (реконструкция қилиш) ишлари учун Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан фуқароларга ипотека кредити банклар томонидан қуйидаги шартлар асосида ажратилади:

1) бозор ставкасида;

2) 20 йилдан кўп бўлмаган муддатга;

3) бошланғич бадали сотиб олинадиган квартира ва якка тартибда қурилаётган (реконструкция қилинаётган) уй-жой қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

4) бир қарз олувчига бериладиган ипотека кредитлари уй-жой ҳисобланган қийматининг 85 фоизидан ошмайдиган миқдорда”.

м) 30-банднинг биринчи хатбошисидаги “(қайта қурилган)” сўzlари “(реконструкция қилинган)” сўzlари билан алмаштирилсин;

н) 32-банднинг иккинчи хатбошисидаги “(қайта қуриш)” сўzlари “(реконструкция қилиш)” сўzlари билан алмаштирилсин;

о) 33-банддаги “(қайта қурилаётган)” сўzlари “(реконструкция қилинаётган)” сўzlари билан алмаштирилсин;

п) 40-бандда:

“а” кичик банддаги “(қайта қуриш)” сўzlари “(реконструкция қилиш)” сўzlари билан алмаштирилсин;

“в” кичик банддаги “(қайта қурилаётган)” сўzlари “(реконструкция қилинаётган)” сўzlари билан алмаштирилсин;

р) 5-бобнинг номи “(қайта қуриш)” сўzlари “(реконструкция қилиш)” сўzlари билан алмаштирилсин;

с) 44-банда:

биринчи хатбошидаги “(қайта қуриш)” сўzlари “(реконструкция қилиш)” сўzlари билан алмаштирилсин;

қуидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Бунда қарз олувчининг ўз кучи билан ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчиларни жалб этган ҳолда якка тартибдаги уй-жойлар қуриш (реконструкция қилиш) учун ажратилган кредитлар бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда босқичма-босқич қарз олувчининг банк картасига ўтказиб берилади”;

т) 45-банднинг иккинчи хатбошиси қуидаги таҳирда баён қилинсин:

“Бажарилган ишлар ҳажмининг 95 фоизгача қисми қарз олувчининг бошланғич бадали (жами бажариладиган ишлар қийматининг 15 фоизи) ҳисобидан ўтказиб берилган аванс маблағларга мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари тўғрисидаги далолатномага мувофиқ молиялаштириб борилади ҳамда якка тартибдаги уй-жой қийматининг 5 фоизи миқдоридаги қолган қисми банк ходими томонидан жойига чиқиб ипотека кредитини тўлиқ ажратиш тўғрисида хуроса берилгандан сўнг тўланади.”;

у) 46-банднинг биринчи хатбошисидаги “(қайта қурилиши)” сўzlари “(реконструкция қилиниши)” сўzlари билан алмаштирилсин;

ф) 50-банднинг учинчи хатбошиси қуидаги таҳирда баён қилинсин:

“Фоиз харажатининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ҳудудий ғазначилик бўлинмаси томонидан қарз олувчининг банк томонидан кўрсатилган ҳисобварағига ўтказиб берилади.”;

х) 69-банддаги “(қайта қурилган)” сўzlари “(реконструкция қилинган)” сўzlари билан алмаштирилсин;

ц) Низомга 2-илова қуидаги таҳирда баён қилинсин:

“Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги томонидан  
жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан  
аҳолига ипотека кредитлари ажратиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

Якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш) учун ипотека  
кредитлари ажратиш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддат
1-босқич	Қарз олувчи	Ер участкаларида белгиланган тартибда келишилган лойиҳа асосида ҳамда туман (шахар) аҳоли пунктлари бош режаси ва шахарсозлик нормаларига мос ҳолда пудрат ташкилоти ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчилар билан якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш) бўйича шартномани имзолайди, ўз кучи билан амалга ошириш ҳолати бундан мустасно.	Ўз хоҳишига кўра белгиланган муддатларда

2-босқич	Қарз олувчи	<p>Банкка тегишли хужжатлар билан башланғич бадал түловини амалга оширган ҳолда ипотека кредити олиш учун ариза топширади.</p> <p>Бунда якка тартибда уй-жойни куриш (реконструкция қилиш) амалга оширилишида, ажратиладиган ипотека кредити бўйича башланғич бадал учун қарз олувчи томонидан сотиб олинган курилиш материаллари ва/ёки бажарилган курилиш-монтаж ишлари киймати хисобга олиниши мумкин.</p>	Ўз хохишига кўра белгиланган муддатларда
3-босқич	Банк	<p>Кредит олиш бўйича тақдим этилган ариза ва унга илова килинган хужжатларни кўриб чиқиб, аризани қаноатлантириш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул киласди.</p> <p>Ариза қаноатлантирилган тақдирда, кредит шартномаси имзоланади.</p>	3 иш кунида
4-босқич	Пудрат ташкилоти (ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчилар), қарз олувчи	Якка тартибдаги уй-жойни куриш (реконструкция қилиш) ишларини амалга оширади.	Шартномада белгиланган муддатларда
5-босқич	Банк	<p>Шартнома ва лойиха асосида якка тартибдаги уй-жойни куриш (реконструкция қилиш) бўйича бажарилган ишлар бўйича тўловлар учун ипотека кредити ва қарз олувчи томонидан банкда шаклланган маблагларни пудрат ташкилотларининг депозит хисобварағига нақд пулсиз шаклда ўтказиб беради.</p> <p>Бунда қарз олувчининг ўз кучи билан ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчиларни жалб этган ҳолда якка тартибдаги уй-жойлар куриш (реконструкция қилиш) учун ажратилган кредитларни қарз олувчининг банк картасига ўтказиб беради.</p>	Шартномада белгиланган муддатларда
6-босқич	Қарз олувчи	Кредит шартномасининг қайтариш графигига асосан ипотека кредити ва унга хисобланган фоиз тўловларини тўлаб боради.	Ҳар ойнинг 25-кунигача



\*\* Молия вазирлиги томонидан банкларга маблаглар ушибу Низомга 1-иловага мувофиқ схемадаен 1, 2, 4 ва 5-босқичларда белгиланган тартибда ажратилади.”